

SamDCHTY ARM



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

- 🌐 www.zarnews.uz
- 📘 <https://www.facebook.com/zarnews.uz>
- 📧 @zarnews_uz
- 🐦 https://twitter.com/zarnews_uz

КУН ҲИҚМАТИ

Тизимдаги муаммо ечимига олимлардан хулоса ва таклиф олишни ўрганайлик

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2018-yil 8-sentyabr, shanba, 106 (23.066)-son

Самарқандда Вебстер магистратураси очилади

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Америка Қўшма Штатларининг Вебстер университети билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

– Дунё рейтингда салоҳиятли кадрлар etkazib бериш даражасига кўра юқори ўринларда турувчи ушбу хориж университети билан ўзаро

ҳамкорликда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, малакали мутахассислар тайёрлашга эришиш бўйича дастлабки алоқаларга киришилганига кўп вақт бўлгани йўқ, – дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти халқаро алоқалар бўлими бошлиғи О.Юсулов. – Жорий йилнинг май ойида Вебстер университетининг профессор-ўқитувчилари илк бор кўхна кентга ташриф буюрган бўлса, июль ойи охирида бизнинг вақларимиз Америкада бўлиб, ҳамкорлик юзасидан келишуларга эришди.

Мазкур университет вице-прези-

денти Питер Махер ва чет тили факультети декани, доктор Дже Кайзернинг бу галги ташрифи ҳам ишчан руҳда ўтди. Тадбирда томонлар мазкур ҳамкорлик алоқаларининг икки томон учун фойдали эканлигини қайд этишди.

– Бугунги музокаралар давомида “Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш” академик дастури бўйича бир йиллик магистратура курсларини ташкил этишга келишиб олдик, – дейди Дже Кайзер. – Юртингизда таълим соҳасига берилган эътибор, инновацион ғояларнинг қўллаб-қувватланиши ҳамкор-

лик алоқаларимизнинг яқин келажакда янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Ташриф давомида меҳмонлар СамДЧТИ ўқитувчилари билан семинар-тренинг ўтказиб, соҳага доир илғор тажрибаларини ўртоқлашди. Яқин келажакда Вебстер университети талабалари учун Самарқандда қисқа муддатли “Ўзбек тили ва маданияти” ўқув курсларини ташкил қилиш, америкалик профессор-ўқитувчиларни институтнинг ўқув жараёнларига жалб этиш масалалари юзасидан келишиб олдилар.

Исматулла ДЎСТУМРОДОВ.